

ЖАДИДЧИЛИК ВА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ: ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18324550>

Сайёра Тўйчиева

*Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси профессори,
фалсафа фанлари доктори*

Аннотация

Мазкур мақолада жадидчилик ва ислом маданияти уйғунлиги, уларнинг ўзаро муштарақлиги, трансформацион жараёнлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Шунингдек Жадидлар исломий маърифатпарварликни миллий уйғониш ва замонавий таълимнинг асоси сифатида кўрганлари ҳақида қатор таҳлиллар келтирилади.

Калит сўзлар

Ислом, жадидчилик, маърифат, глобаллашув, қадрият, саводхонлик, илм, дин, руҳоният, маданият, мактаб, мадраса, урфон.

Аннотация

В данной статье рассматривается гармония джадидизма и исламской культуры, их взаимная общность и трансформационные процессы. Также приводится ряд аналитических выводов о том, что джадиды рассматривали исламское просветительство как основу национального пробуждения и современного образования.

Ключевые слова

ислам, джадидизм, просвещение, глобализация, ценность, грамотность, знание, религия, духовность, культура, школа, медресе, ирфан.

Abstract

This article examines the harmony between Jadidism and Islamic culture, their interconnection, and transformation processes. It also presents a series of analyses showing that the Jadids viewed Islamic enlightenment as the foundation of national awakening and modern education.

Keywords

Islam, Jadidism, enlightenment, globalization, values, literacy, knowledge, religion, spirituality, culture, school, madrasa, irfan.

Ҳозирги вақтда дунё микёсида глобаллашув масаласи жамиятимиз, қолаверса, барча мусулмон давлатлари олдида ҳам яна бошқа муаммоларни қўймоқда. Хусусан, келажакда давлатимизда диний қадриятлар қай шаклда тикланиши керак ва дунёвий давлатда уларнинг ўрни шаклан, мазмунан қандай бўлиши керак? Маълумки, бирор воқелик моҳиятини англаш учун олдинги тарихий ҳолатга мурожаат этиш лозим. Шу орқали унинг тўлароқ мазмунини англаш мумкин. 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада давлатимиз раҳбари шундай мурожаат қилади: “Умуман биз жади́дчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”, деган мулоҳазалар мавзунини қай даражада муҳим эканлигини намоён этади⁹.

Жади́дчилик ҳаракати XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ва бошқа мусулмон ўлкаларида пайдо бўлган миллий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлиб, ислом маданияти билан узвий алоқада бўлган ҳолда, уни ислоҳ қилиш ва замон талабларига мослаштириш ғоясини илгари сурди. Жади́длар ислом динини инкор этмадилар, аксинча, уни жамият тараққиёти учун муҳим асос деб билдилар. Уларнинг мақсади диний қадриятларни сақлаб қолган ҳолда илм-фан ва замонавий билимларни кенг жорий этиш эди. Туркистон жади́дларининг маънавий отаси ҳисобланган Махмудхўжа Бехбудийнинг фикрича “Динсиз дунёда яшамок инсоният ва маданиятдан эмас, ҳайвонийликдур. Динсиз мутамаддин бўлмоқ маҳолдир. Жамияти башарияни барқарор тутмоқиға дин, шарият, низом ва буларни бошқарувчиларига биринчи сабабдур”¹⁰.

Америкалик олим Адиб Холиднинг ёзишича, “Ўрта Осиё жади́дчилиги бевосита мусулмон модернизми доираларидан ташқарига чиқмаган... унинг риторик тузилиши ва илдизлари Ўрта Осиёнинг мусулмонча анъаналарига бориб тақалади. Шу боис жади́длар ўз анъаналарида исломга таянадилар... замонавийлик исломнинг асл мазмунига боғланган ва фақат асрлар давомида пайдо бўлган иллатлардан тозаланган ислом мусулмонларнинг фаровонлигини таъминлаши мумкин эди. Жади́длар оламга янгича назар

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

¹⁰ Бехбудий. М. Сархил жуғрофия умрони. Самарқанд, 1906. ЎзР ФА ШИ, Ҳамид Сулаймонов фонди. № 1864 (тошбосма, ўзбекча). – Б. 3.

билан карашга, исломни янгича тушунишга, мусулмон бўлиш нимани англатишини билишга эришганлар”¹¹.

Жадидларнинг маърифатпарварлик ғояларининг асосий шиори "жаҳолатдан озод этиш" эди. Улар диний таълимни дунёвий фанлар (математика, тарих, география ва б.) билан бойитишга қаратилган янги усул мактабларини очдилар. Бу орқали ислом маданиятининг илмий асосларини мустаҳкамлашга интилдилар. Жумладан, Махмудхўжа Бехбудий ўлкада янги усулдаги мактабларнинг илк тарғиботчи ва асосчиларидан бири, янгича дарсликлар яратган йирик ва жонкуяр маърифатпарвари ҳисобланади. Унинг жадид мактаблари учун ёзган дарсликлари орасида “Китобат ул-атфол” («Болалар мактублари»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), “Тарихи исломия”, “Амалиёти исломия” номли китоблари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти собиқ совет даврида тадқиқ қилинмади. Ислом тарихи ва маданиятига оид икки дарслиги, яъни “Тарихи исломия” ва “Амалиёти исломия” номли ҳам ўзбек тилида ёзилган. “Тарихи исломия” асари 37 саҳифадан иборат бўлиб, мазкур асарда ислом дини, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти, арабларнинг маданияти, Ҳижоз, Арабистонда ўтган воқеалар, халифалар ҳаёти ва фаолияти ва бошқалар ҳақида тарихий маълумотлар берилган. “Амалиёти исломия” асари худди “Ибодати исломия” асари каби ислом дини ҳукмлари савол-жавоб тарзда ёзилган¹². “Китобат ал-атфол” дарслиги илк бора 1908 йилда нашр этилган¹³, кейинчалик иккинчи бор маълум ўзгартиришлар киритилган ҳолда 1914 йилда нашр этилган. Асар титул саҳифасининг юқори қисмида “Нашриёти Бехбудий” жумласи, унинг остида юқорида номи қайд этилган, асарнинг тўлиқ номланиши, ундан сўнг Самарқандда хижрий 1332/1914 милодий санада чоп этилганлиги ҳамда қиймати 13 тийинни ташкил этганлиги қайд этилади. Сўнгра дарсликнинг рус тилидаги номланиши ва унга оид маълумотлар берилади¹⁴. Саҳифанинг қуйи қисмида рус тилида нашриёт манзили Самарқанд шаҳар Решетников кўчаси 9-уй эканлиги, 290 уларнинг телефон рақами бўлгани ҳамда “В.А. Газаров” босмахонасида 1914 йилда чоп этилгани қайд этилган. Мазкур маълумотлар

¹¹ Khalid Adeeb. The politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. Berkley-Los-Angeles-London, 1988. P. 113.

¹² Бехбудий. М. Тарихи ислом. Туркистон мактаблари учун. Самарқанд., 1909. 37 саҳифа. ЎЗР ФА ШИ, Асосий фонд, инв. 7274. 37-саҳифа (тошбосма, ўзбекча); ўша муаллиф. Амалиёти ислом. Самарқанд., 1908. ЎЗР ФА ШИ, Асосий фонд, инв. 13866. 36-саҳифа (тошбосма, ўзбекча).

¹³ Бехбудий. М. Китобат ал-атфол. Самарқанд, 1908. ЎЗР ФА ШИ, Асосий фонд, инв. 3029, 7269, 14325. 36-саҳифа (тошбосма, ўзбек-форсий).

¹⁴ Деловой письменник на персидском и узбекском языках. Выпуск 1-й. Издание II. Сочинитей и издатель Махмуд Ходжа Бегбуди. В Самарканде. Цена 13 коп. Қаранг.: Махмудхўжа Бехбудий. Мажмуаи китобат ва иншо биринчи жуз макотиби ибтидоия учун: Китобат ал-атфол. – Самарқанд: Типо-Литография Т-во В.А. Газаров нашриёти, 1914.

асарнинг саҳифаланмаган сўнгги бетининг қуйи қисмида ҳам келтирилади. Тошбосма асар “Болалар китоби” деб таржима қилинсада, муаллифнинг қуйидаги сўзлари унинг маълум босқичда таълим олган ўқувчилар учун мўлжалланган асар эканлигини тасдиқлайди: “Туркистоннинг қадим мактаблариндаги болалар 4 – 5 йил ўтқаргандан сўнг хат машқ қилиб, баъдинда иншо ёзадурлар. Ўшал иншолар ниҳоят мушкул суратда арабий махлут форсий ва туркий ёзилгандурки, шогирдлар нари турсун, баъзи мактабдорлар зўрға билур. Ўйла мушкул иборатлик узун иншолар, албатта, бола зехнини очмай, балки фикрини йўқ бўлушига сабаб бўлур. Билжумла мамолики исломиянинг мактаблариндаги болалар учун енгил суратда иншо тайёрланубдурки, ибтидоийя, рушдийя, эъдодийя мактаб талабаларини ҳар бирига мувофик суратда иншо таълим бериладур”¹⁵. Яъни бу асар ҳам ислом дини асосларига мос ҳолда ҳужжатшунослик ва иш юритиш тизими янгича услубда ўқувчиларга етказишга мўлжалланган.

Жадидлар исломий маърифатпарварликни миллий уйғониш ва замонавий таълимнинг асоси сифатида кўрдилар. Уларнинг ёндашуви асосан диний ва дунёвий билимларнинг бирлигини таъминлашга қаратилган эди. Улар исломни фақат ибодат ва диний амаллар билан чегаралаб қўймасдан, уни инсон ҳаётининг барча соҳаларида ривожлантирувчи, юксалтирувчи куч сифатида қабул қилиш керак, деб ҳисоблардилар. Бу мақсадда улар Қуръон ва ҳадислар билан замонавий илмий билимларни уйғунлаштиришга интилишди. Жадидларнинг фикрича, динни нотўғри тушуниш ва илмсизлик мусулмон дунёсининг орқада қолишига сабаб бўлган асосий омиллардандир. Шу сабабли улар таълим соҳасида ислохотларни амалга оширишни зарур деб билдилар. Бу ислохотлар ўрта асрлардаги мадрасаларда ўқитиладиган диний таълимни замонавий илм-фан билан бойитишни назарда тутарди. Улар динни илм ва маърифат орқали талқин қилиш орқали мусулмон дунёсини маданий ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга чақирдилар. Жадидлар диннинг илмий тамойилларини кучайтиришга урғу бердилар. Жумладан, улар исломда илм олиш фарз эканини, бу илм нафақат диний, балки дунёвий фанлар билан ҳам боғлиқ бўлиши кераклигини таъкидлашди. Янги билимлар, жумладан, математика, география, тиббиёт ва технологияларни ҳам ўрганиш зарурлигини айтиб ўтдилар. Улар исломнинг асл моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш билан бир каторда мусулмонлар замон талабларига мос равишда ҳаракат қилишлари кераклигини уқтирдилар.

¹⁵ Бехбудий. М. Китоб ул-атфол. Самарқанд, 1908. ЎзР ФА ШИ, Асосий фонд, инв. 3029, 7269, 14325. 36-саҳифа (тошбосма, ўзбек-форсий).

Россия империяси ҳукумати давридаги Туркистон таълим ҳолати, давлат ва таълим тизимлари орасидаги муносабатлар борасида айтиш мумкин: минтақадаги мадрасаларнинг деярли барчаси эски таълим тизими асосида фаолият юритган бўлиб, улар фаолиятига ҳукумат томонидан деярли ҳеч қандай чоралар кўрилмаган.

Бизнинг фикримизча мактабларга "тўлиқ мустақиллик"¹⁶ни берилиши ҳам бежиз эмас эди. Сабаби бу мактаблар маҳаллий "мактабдорлик бизнеси" ташкил этиши билан бирга ижтимоий турғунлик ҳолатини сақланишига ҳам ўз таъсирини ўтказар эди. Уларнинг таъсирида минтақага кириб келиши мумкин бўлган "бегона таълим тизимлари" ва бошқа "бидъат"лар олди олинар эди. Шу сабабдан ҳам Россия империяси ҳукумати мазкур "эски мактаб" системасини сақланиб қолишидан кўп жihatдан манфаатдор бўлган.

Жадид маърифатпарварларидан Муҳаммад Саид шундай ёзади: "Муаллим бўлган зот ҳам илм, иймон, виждон, саъй, ғайрат, адаб, тарбият ва номусдан, иймон хосиятларидан бошқа илм, хилм, сабр, таҳаммул ва хусни хулқдек ислом сифатлари ила мумтоз бўлмаса - ул муаллимдан шогирдлар баҳра ололмайдулар"¹⁷.

Таълим беришда ислом маданиятидан узоқлашмасликни Рауф Музаффарзоданинг мақоласидан ҳам билиб олса бўлади: "Қани бизда илм, қани руҳоният, маданият қани? Биз буларнинг исмларинигина бўлса ҳам яхшилаб билмаймиз ва тушунмаймиз. Ҳатто тушунмакни хоҳламаймиз. Демак биз бу тариқа маҳзи илм, маҳзи маданиятдан иборат исломиятни бир тарафга қолдируб, дин ва инсоният душмани бўлган жоҳил, ғафлат ва маданиятсизликни қабул қиламиз"¹⁸.

Туркистон жадидлари шариат тамойилларини ислоҳ қилиш, диний хурофот ва бидъатлардан тозалаш ғоясини илгари сурдилар. Бу уларнинг фикрича исломнинг асл моҳиятини тиклашга ёрдам берарди. Туркистон жадидлари ислом динининг софлиги учун кураш эълон қилган эдилар. Яъни ислохот учун ҳаракат бошлаганлар. Бунинг оқибатида, "жадид-қадим баҳслари" юзага келган. Ислохотчилар ғояларидаги диний аспектлар, "қадимчилар" ва жадидлар баҳсларини ўрганишга тарихчи Б.Бабаджанов томонидан Муҳаммад Йунус хожа б. Муҳаммад Амин-Хожанинг "Тухфа-йи То'йиб"¹⁹ (1905 й.), Исҳоқ-хан тўра ибн Жунайдаллах Хожа Ибратнинг "Мэзан

¹⁶ Лазиз Азиззода. Туркистоннинг уйғониш тарихи, ЎзРФАШИ, Инв№ Р.11895. – Б. 19 б.

¹⁷ Муҳаммад Саид. Адаб ва тарбия // "Ойна" журнали. 1914-1915. Тошкент. 2001. 23-бет

¹⁸ Рауф Музаффарзода. Тарбияга аҳамият бермаймиз // "Садойи Туркистон" газетаси. 1914 йил 7 октябр..

¹⁹ Муҳаммад Йунус Х'аджа б. Муҳаммад Амин-Х'аджа (Та'иб). Тухфа-йи Та'иб. Подготовка к изданию и предисловие: Бабаджанов Б.М., Вахидов Ш.Х., Коматцу Х. Ташкент-Токио, 2002.

уз-замон”²⁰ (1919 й.) асарлари ва “Ҳақиқат” (1922 й.) журналининг таҳлили асосида²¹ илк бор қўл урилди.

Жадидлар зиёрат, зикр, тасаввуф тариқати шайхларининг фаолиятларида ислом қонунларига зид бўлган *куфр* аломатлари кўзга ташланаётганлигини эътироф этиб уларнинг фаолиятини кескин тугатиш зарурлигини таъкидлашган. Зиёрат мавзуси илк ислом даврида ҳам баҳсли жараён бўлиб, шунга доир қатъий тартиблар диний манбаларда ҳам белгилаб қўйилган. Лекин минтақамиз ва қўшни ҳудудларда XX асрга келиб мазкур мавзу доирасида баҳслар кескин авж олди, бунга минтақамиз зиёлиларининг ўзга мусулмон давлатларига ҳаж, таълим олиш ёки саёҳат мақсадидаги сафарларини сабаблардан бири сифатида айтиш мумкин, натижада бошқа фикхий мазҳаблар кўрсатмалари билан танишишлари сабаб бўлди. Хусусан Саудия, Эрон, Туркия ва Ҳиндистон ҳудудларида нисбатан эрта уйғонган “ислоҳотчилик ҳаракати” вакиллариининг ғоялари билан танишиш, шунингдек Европа турмуш маданиятига кириб келаётган фан-техника тараққиётидан бохабар бўлишлари натижасида минтақамиздаги ижтимоий урф-одатларнинг диний қонун ва тартибларга “номувофиклик” томонлари уларнинг кўзига янада ёрқинроқ кўрина бошланди. Бу баҳсли масалалар кўпроқ зиёрат ва зиёратгоҳлар фаолиятини бошқарувчи шахслар билан боғлиқ бўлди. Заҳириддин аълам Абулқосимнинг фикрича, “Таждид деган сўз исломни янгиламас ва янгидан тузмас. Таждиддан мақсад шудирки ислом арконларини ҳар бир замоннинг ўзига қараб ижро этмоқ, янги усул ва йўллар билан бормоқдан иборатдир”²².

Ислом дини жадидлар учун миллатни бирлаштирувчи, миллий ғурур ва ўзиликни англаш туйғусини, яъни миллий бирликни уйғотувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Маҳмудхўжа Бехбудий бу борада шундай ёзган: “Миллат ривожини учун улуғ-кичик ҳамма яқдил ва яқвужуд ўлуб, мусулмон қариндошликни фикр ва мулоҳаза қилуб, дини ислом неъматини ғанимат билиб, ҳар умурда бир-биримизга қўл сузуб, кундан-кунга ўз орамизда улфат ва муҳаббатни ортдирмақдир”²³. Абдурауф Фитрат ислом аҳкомларини оилавий анъаналар билан бир қаторда бўлишини таъкидлаб, “Ўз болаларини ислом тараққиётига мувофиқ тарбиялаб, дин ва диндошларини ҳалокат ва харобалик жарлигидан қутқаришлари учун хотинларимиз ва қизларимиз –

²⁰ Исҳак-хан тура ибн Джунайдаллах Х^ваджа ‘Ибрат. Мизан аз-заман. Подготовка к изданию, предисловие, редакция текста: Коматцу Х., Бабаджанов Б. Ташкент-Токио, 2001.

²¹ Бабаджанов Б. Журнал “НАҲИҚАТ” как зеркало религиозного аспекта в идеологии джадидов, Токио :Department of Islamic Area Studies, 2007 г.

²² Заҳириддин аълам Абулқосим. Таждид ва ислом // Инқилоб. 1924 йил 2-сон. 18-бет.

²³ Миллатнинг бошчиси туллоб ул-қиромға // Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. 2021. 275-бет

миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур” деб ёзган²⁴.

Хуллас таълим тизимининг янгиланиши: эски мадраса таълими ўрнига диний ва дунёвий билимларни уйғунлаштирган янги усул мактаблари пайдо бўлди. Бу ҳозирги замон таълим тизимига пойдевор бўлди.

Ижтимоий фаоллик:жадидлар мусулмонларни пассив кузатувчиликдан фаол ижтимоий ва сиёсий ҳаётга чорладилар. Улар матбуот, театр ва кутубхоналар орқали аҳоли онгини оширишга интилдилар, бу эса ислом маданиятининг ижтимоийлашувига олиб келди.

Замонавийлик билан уйғунлашув: жадидлар Ғарб илм-фани ва маданияти ютуқларини кўрдилар ва уларни маҳаллий ислом маданиятига сингдиришга ҳаракат қилдилар. Бу “замонавийлик ва ислом” ғоясининг шаклланишига олиб келди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Khalid Adeeb. The politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. Berkley-Los-Angeles-London, 1988.
3. Бабаджанов Б. Журнал “НАҚИҚАТ” как зеркало религиозного аспекта в идеологии джадидов, Токио :Department of Islamic Area Studies, 2007 г.
4. Беҳбудий М. Амалиёти ислом. Самарқанд., 1908. ЎЗР ФА ШИ, Асосий фонд, инв. 13866. 36-саҳифа (тошбосма, ўзбекча).
5. Беҳбудий М. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. 2021.
6. Беҳбудий. М. Китобат ал-атфол. Самарқанд, 1908. ЎЗР ФА ШИ, Асосий фонд, инв. 3029, 7269, 14325. 36-саҳифа (тошбосма, ўзбек-форсий).
7. Беҳбудий. М. Сарҳил жуғрофийа умрони. Самарқанд, 1906. ЎЗР ФА ШИ, Ҳамид Сулаймонов фонди. № 1864 (тошбосма, ўзбекча).
8. Беҳбудий. М. Тарихи ислом. Туркистон мактаблари учун. Самарқанд., 1909. 37 саҳифа. ЎЗР ФА ШИ, Асосий фонд, инв. 7274. 37-саҳифа (тошбосма, ўзбекча).
9. Заҳириддин аълам Абулқосим. Тажид ва ислом // Инқилоб. 1924 йил 2-сон. 18-бет.

²⁴ Оила ёки оилани бошқариш тартиблари // Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. Тошкент. 2006. 306-бет.

10. Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Х^ваджа ‘Ибрат. Мизан аз-заман. Подготовка к изданию, предисловие, редакция текста: Коматцу Х., Бабаджанов Б. Ташкент-Токио, 2001.
11. Лазиз Азиззода. Туркистоннинг уйғониш тарихи, ЎзРФАШИ, Инв№ Р.11895. – Б. 19 б.
12. Мухаммад Йунус Х^ваджа б. Мухаммад Амин-Х^ваджа (Та’иб). Тухфа-йи Та’иб. Подготовка к изданию и предисловие: Бабаджанов Б.М., Вахидов Ш.Х., Коматцу Х. Ташкент-Токио, 2002.
13. Мухаммад Саид. Адаб ва тарбия // "Ойна" журнали. 1914-1915. Тошкент. 2001. 23-бет
14. Рауф Музаффарзода. Тарбияга аҳамият бермаймиз // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914 йил 7 октябр..
15. Фитрат А. Танланган асарлар. 4-жилд. Тошкент. 2006.